



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI**



2018-3

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

Ilm sarchashmalari

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA va FALSAFA hamda FIZIKA-MATEMATIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

3.2018

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2018

**“ILM SARCHASHMALARI”
ilmiy-metodik jurnal**

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY’ATI:
<p align="center">JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</p>	<p>ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, ALEUOV O‘serboy, pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DADABOYEV Hamidulla, filologiya fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), DO‘SCHONOV Tangribegan, iqtisod fanlari doktori, professor, ERMATOVA Jamila, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HASANOV Oqnazar, fizika-matematika fanlari doktori, professor, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul, filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, MAHMUDOV Madrahim, tarix fanlari doktori, professor, NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuridik fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QIDIRNIYOZOV Muhammadsharif, tarix fanlari doktori, professor, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, QURAMBOYEV Karimboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, RO‘ZMETOV Baxtiyor, iqtisod fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (mas’ul kotib), YAXSHIMURODOV Alisher, fizika-matematika fanlari doktori, YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, SHUKURLAYEV Qodir, tibbiyot fanlari doktori, professor.</p>
<p align="center">JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</p>	
<p align="center">228 3 (129)</p>	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

Бахши барча тафсилотларни бадий оғзаки нутқ доирасига қамраб олиш имкониятига эга бўла олмаган. Бунинг ўзига хос ижодий ва ижтимоий сабаблари мавжуд. Ижодий имконият деганимиз шуки, ёзма нусха китоб ҳажмида 90 саҳифани ташкил этади. Оғзаки ижро 1,5–2 соатни ташкил этгани учун воқеаларни қисқартмасдан илож йўқ. Қиссахонлар эса катта ҳажмдаги қўлёзмани икки-уч кечада йигилишиб, навбатма-навбат ўқийверишган. Уларнинг эшитувчилари 10–15 киши атрофида бўлган.

Бахшилар қадимги даврдан келаётган турли-туман мифологик саргузаштларни (афсун ўқиш, дуо қилиш) айтишдан ўзларини тийганлар.

Достоннинг шеърий қисмлари анча дуруст ишланган. Унда “олтин кокил”, “кумуш кокил” каби сифатлашлар эътиборни тортади. Бироқ айрим сифатлашларда бахши мавҳум тушунчаларни ҳам қўллайди: *Бири ой, бири қундуз*.

Ушбу мисрада ўғил ва қизга нисбатан ишлатилган сифатлашларни аниқ англаб олиш анча қийин. Одатда, “ой” сифатлашида қиз бола назарда тутилади. “Қундуз” тушунчаси бир қанча маъноларга эга бўлиб, уларнинг биттаси “қора қошли” маъносига эга. Бу тушунча ҳам, асосан, қизларга нисбатан қўлланилади. Шундай экан, мисрадаги сифатлашларни “бири ой, бири қуёш” ёки “бири ой, бири юлдуз” тарзида қўллаш маънодорликни оширган бўлар эди. Бу мисрада ҳам қандайдир таҳрир қилиш ёки янглишиш ҳолатлари кўзга ташланади. Айрим қофиялар ўзаро ҳамоҳангликдан холи тарзда берилган:

*Ҳолинг хароб этарман,
Қушларга ем этарман.*

Достонлардаги мисралар охирида сўзлар такрорланса, улардан олдин ҳамоҳанг қофиялар танланиши табиий ҳодисадир. Масалан, ўша парчада:

*Танингни пора қилиб,
Сийнангни яра қилиб*

каби мисралар ушбу фикримизни тасдиқлайди.

Албатта, достон матнида бахши томонидан ўзи ҳам тушунмаган ҳолда ишлатилган сўзлар учраши мумкин. Юқорида келтирилган “қундуз” сўзи “юлдуз” бўлиши ҳам мумкин. Чунки айрим сўзлар нашр жараёнида ҳам хато кетиши ҳоллари учрайди. Албатта, бу қусурлар асарнинг кейинги нашрларида ҳисобга олинади, деб ўйлаймиз. Қолаверса, достон матнини яна бир бор синчиклаб таҳлил қилишга тўғри келади. Чунки матнда ўша давр мафқурасига мос келмасдан тушириб қолдирилган жумлалар бўлиши мумкин.

Бинобарин, Матназар бахши замона зайлини ҳисобга олган ҳолда, “Қоракўзойим” достонини яратиб, савоб ишни амалга оширган.

Наргиза Досбаева (Наманган Муҳандислик-қурилиш институти) ТАРЖИМАДА ЛАКУНАЛАР ЭЛИМИНАЦИЯСИ

Аннотация. Мақолада лакуна тушунчаси, унинг таснифи, маданиятлараро мулоқот жараёнида намоён бўлиш ҳолатлари ҳамда таржима масалалари тўғрисида фикр юритилган.

Аннотация. В статье рассматривается понятие лакуна, классификация лакун, их выявление в процессе межкультурной коммуникации, а также проблемы перевода.

Annotation. The notion of lacuna, its classification, cases of delineation in the process of intercultural communication, also issues of translation are considered in this article.

Калим сўзлар: лакуна, муқобилсиз лексика, маданиятлараро мулоқот, лакуналарнинг тўлдирилиши, миллий колорит, калька.

Ключевые слова: лакуна, безэквивалентная лексика, межкультурная коммуникация, заполнение лакун, национальный колорит, калька.

Key words: lacuna, equivalent vocabulary, intercultural communication, filling of lacunas, national color, calque.

Глобал мулоқотнинг асосий шакли бўлмиш маданиятлараро мулоқот “турли маданий маслакка, қадриятга ва туриш-турмушга эга бўлган турли маданият вакиллари ўртасидаги алоқа”ни билдиради.¹ Ўз-ўзидан, турлича маданий қарашларга эга халқлар олами ўз “қарич”лари билан ўлчаб қабул қилишади. Икки маданият ўртасидаги диалогнинг муваффақиятли кечиши (муваффақиятли кечиши деганда икки ифода тури ҳам: вербал ва невербал ифодаларнинг тўғри етказиб берилиши назарда тутилади), кўп ҳолларда, лингвомаданий лақуналар ўрнини қанчалик даражада тўлдира олинганлигига боғлиқдир. Лақуна (бўшлиқ, тилнинг семантик харитасидаги оқ доғ ва ҳоказо) маданият ёки тилнинг ўзига хос ҳодисаси бўлиб, уларни маданиятлараро мулоқот нуқтаи назаридан олиб қаралганда, қатор омиллар туфайли вужудга келишини аниқласа бўлади. Лақуналар ўрнини тўлдиришга боғлиқ таҳлил жараёнида ушбу омилларни ўрганиш муҳимдир, зеро, “ўзаро мулоқот жараёнида хабар юборувчи назарда тутган маъно-мазмун нафақат хабарга, балки ушбу хабарларнинг ўзаро таъсири ҳамда хабар қабул қилувчининг ўз фикрлари ва ҳиссиётларига боғлиқ бўлади”,² “чунки ҳар қандай реципиент маълум матнни маданий контекст тақозо этадиган филтер орқали қабул қилади”.³

Демак, куйидаги тўрт омил маданиятлараро мулоқот жараёнида лақуналарнинг вужудга келишига сабаб бўлади, яъни булар: жўғрофий омиллар, диний омиллар, одатий омиллар ва тарихий омиллар. Жўғрофий омиллар деганда, маълум миллат ҳаёт кечирийдиган жўғрофий муҳит ва иқлим шароитининг инсонлар яшаш тарзига, маданиятига таъсир этишини тушунилади. Масалан, қайсидир ҳудуднинг жўғрофий характеристикаси унинг тилида акс этиши мумкин. Жўғрофий омиллар маданиятнинг моддий томонини акс эттирса, диний омиллар унинг рухий, маънавий қирраларини қамраб олади. Масалан, будда дини эътиқодчиларининг реинкарнация гоёси билан боғлиқ тасаввурлари туфайли маданиятлараро мулоқот жараёнида ушбу тасаввурлар оқибатидаги лақуналарнинг пайдо бўлиши, табиий. Урф-одат билан боғлиқ лақуналар мулоқот жараёнида икки маданият вакиллариининг ўз ҳудудларида меъёр ҳисобланган вербал ҳамда невербал хатти-ҳаракатларининг бир-бирига ўхшамаслиги натижасида келиб чиқадиган тушунмовчилик мобайнида вужудга келади. Бир миллат давлати, ҳудудида мавжуд барча жабҳалар тарихининг ўша халқ тили ва маданиятида муқим элементлар тариқасида ўрнашуви мулоқот жараёнида тарихий омиллар туфайли юзага келадиган лақуналарга сабабчи бўлади.

Лақунанинг моҳияти, шаклланиши ва такомили хусусидаги назарий дискурс ўта хилма-хил ҳамда ботинан қарама-қаршидир. Назарий дискурснинг хилма-хиллиги ва қарама-қаршилиги, бир томондан, лақуна тадқиқотининг кўп жиҳатлилиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, “лақуна” тушунчаси билан боғлиқ фалсафий ва маданий концептлар кўлами билан тушунтирилади. Нисбатан янги оқим бўлмиш лингвомаданиятшуносликда лақуналарнинг “деструктивлик” (Т.Ю.Данильченко таъбири), “хиралик” хусусиятлари туфайли маданиятлараро мулоқотда пайдо бўладиган зиддият масаланинг қўйилишига, англанишига ҳамда ечимига жиддий ва янгича ёндашувни талаб қилади. Шу сабабли лақуналарни бартараф қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда юқорида санаб ўтилган омилларни инобатга олган ҳолда, айнан қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаб олиш зарур. Бу ҳолатда Ю.А.Сорокин ва И.Ю.Марковиналар реконструкциясидаги маданиятлараро мулоқотда лақуналар элиминацияси тажрибасини ўрганиш ўринли ҳисобланади. Ушбу икки тадқиқотчи лақуналарни тўлдиришни реципиентга ёт бўлган маданиятга тегишли маълум сўз/тушунчанининг мазмунини очиш жараёни деб билади. Тўлдириш даражаси бартараф қилинаётган лақунанинг табиатида, лақуна мавжуд бўлган матн хусусиятига, шунингдек, матн етказилаётган реципиентнинг ўзига хос жиҳатларига кўра

¹ Joseph A. DeVito. The Interpersonal Communication Book (6th edition) [M] New York: Harper Collins Publishers, 1992, p. 255.

² Ўша манба, p. 153.

³ Ўша манба, p. 256.

турлича бўлиши мумкин. Ўзларининг “Маданият ва матн. Лакунологияга кириш” номли ҳамкорликдаги ишларида муаллифлар лакуналарни тўлдириш тилларнинг ўзаро таъсири ҳамда биргаликдаги фаолияти жараёнида содир бўлади, дея таъкидлаб ўтишади: лакуналар у ёки бу бирликни ўзлаштириш ҳисобига тўлдирилади.¹

Лакуналар ўрнини тўлдиришнинг яна бир тури матндаги ёт маданият элементларига маълум маънода изоҳ бериб ўтишдир. Изоҳ тушунилиши қийин бўлган миллий ўзига хос тушунчаларнинг китобхонга етказиб бериш жараёнини енгиллаштиради. Лакунологиянинг тан олинган “отаси” бўлмиш Ю.А.Сорокин матндаги лакунанинг ўрнини қоплаш (компенсация) моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: икки маданият алоқа қилган ҳолатда миллий ўзига хос тўсиқларни енгиллаштириш учун, яъни ўзга маданиятнинг у ёки бу қисмини англашни енгиллаштириш мақсадида матнга реципиентнинг маълум шаклдаги специфик унсурлари киритилади.² “Таянч” компенсацион унсур сифатида реципиентга яхши таниш бўлган манбадан ҳавола хизмат қилади ва бу орқали ёт маданиятга тегишли тушунча табиати ҳақида аниқроқ тасаввур олишга ва унга нисбатан керакли муносабатни уйғота олишга эришиш мумкин.

Узоқ йиллардан бери лакуналар масаласи билан шугулланаётган тадқиқотчи И.Ю. Марковина сўнгги вақтларда ўзининг лакуналарни бартараф қилиш дастурини ишлаб чиқмоқда. Олиманинг лакуналарни бартараф қилиш концепцияси “итариш” механизми, “тортиш” механизми ва лакунани тўлдириш жараёнини қамраб олувчи ўзига хос тизим кўринишидан иборат. “Итариш” механизми ишга тушганда, “ўзиники” ва “ётники” бўлган маданиятлардаги фарқлар юзага чиқиб келади ҳамда ёт элементлар реципиент мансуб бўлган маданият учун “нотўғри”, “гайриоддий” белгилар сифатида қабул қилинади. Иккинчи босқичда “тортиш” механизми бўйича иш кўрилади, яъни “ёт” маданиятни тушунишга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, “ўзиники” ва “ётники” ўртасидаги фарқлар аниқланади ва ушбу фарқлар ўрнини тўлдириш орқали лакуналарни бартараф қилинади.

Марковина томонидан илгари сурилган гоё кейинчалик унинг издоши Т.Ю.Данильченко томонидан қўллаб-қувватланиб, таржимада лакуналар ўрнини тўлдириш кенгрок кўриб чиқилган: ўзлаштириш, мослаштириш, транслитерация, бегона маданият унсурларига маълум даражадаги изоҳларни қўллаш, таржимадаги қўшимча тушунтиришлар, турли ҳажм ва табиатга эга изоҳлар ёрдамида интерпретация, калька, транскрипция ва транслитерация усулларнинг бир вақтда қўлланиши, тасвирий ва изоҳловчи таржима усуллари, маданий анъана ва ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш. Лекин Данильченко, барибир, биринчи ўринга компенсация усулини қўяди, чунки унинг фикрича, ўзга маданият унсурлари мазмунини тушуниш учун унга таржима матни унсурлари мазмуни олиб кирилган тақдирдагина лакунанинг ўрни қопланган бўлади. Бизнингча ҳам, лакуналар ўрнини қоплашда ёт маданият элементларини “ўзимиз”нинг қолипларда қабул қилишимиз уларнинг маъно-мазмунини тушуниш жараёнини нисбатан енгиллаштиради, чунки таржимада сўзлар ёрдамида исталган концептни очиб бериш мумкин.

Таржима матнини яратишда таржимоннинг қандай усуллардан фойдаланишига қараб лакуналарнинг қай даражада тўлдира олинганлигини аниқласа бўлади. Лакуналар учта: тўлиқ, қисман ҳамда ноль даражада тўлдирилган бўлиши мумкин. Таржимон умумийлаштириш, функционал аналогга алмаштириш, тасвирлаш, ўзини оқлаган ҳолларда тушириб қолдириш, шунингдек, синтактик трансформациялардан фойдаланган ҳолатда лакуналар ўрни тўлиқ тўлдирилган бўлади. Лакунанинг тўлиқ тўлдирилиши миллий-маданий колоритнинг йўқотилишига олиб келса-да, лекин аслият матнининг реципиент томонидан адекват қабул қилинишини таъминлаб бера олади.

¹ Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и текст. Введение в лакунологию. Учеб. пособие, М., “Медиа”, 2008, с. 89.

² Ўша манба, с. 96.

Таржимон тушунтириш (транскрипция қўллаганда), калька (агар тушунча реципиентга таниш бўлса), тушириб қолдириш ҳамда айрим синтактик тузилмалардан фойдаланганда лакуналарнинг қисман тўлдирилиш ҳодисаси юз беради. Лакунанинг қисман тўлдирилиши аслиятнинг миллий-маданий колоритини сақлаб қолишни, баъзан қисман сақлаб қолишни таъминлаб беради. Айрим ҳолатларда тушириб қолдириш усулини қўллаганда, лакунанинг ўрни тўлдирилмайди, аксинча, лакуна мавжуд бўлган матн парчаси элиминация қилинади.

Таржима жараёнида транскрипция, транслитерация, калька (агар реципиентга унинг маъноси таниш бўлмаса) ва синтактик ўхшатиш усуллари қўлланилса, бунда лакуналарнинг ноль даражада тўлдирилиши кутилади. Гарчи аслиятнинг миллий-маданий шакли сақланиб қолса-да, реципиент таржима матнини адекват қабул қила олмайди.

Албатта, бадий таржима жараёнида лакуналарни учта даражада тўлдирилиши талаб қилинади, чунки аслият матнининг реципиентга ҳам адекват тарзда етказиш, ҳам миллий колоритни сақлаб қолиш бирдек долзарб масалалардир. Лакуналарни тўлдиришнинг у ёки бу усулини танлаш бир нечта дастлабки шарт-шароитларга кўра амалга оширилади, яъни: 1) матн характерига кўра (жанр хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда); 2) маълум элементнинг матндаги қийматига кўра; 3) лакунанинг ўзининг табиатига кўра (мутлақ ёки нисбийликни инобатга олган ҳолда); 4) муносабатга киришган икки маданиятнинг бир-бирига яқинлигига кўра. Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги даврдаги тезкор маданиятлараро алмашинув жараёнида сўзлар ва тушунчаларнинг ўзлаштириш ҳодисаси энг кўп учрайдиган делакунизация усули бўлиб қолмоқда. Бу ўринда, А.Швейцернинг куйидаги фикри гапимизнинг исботи бўла олади, яъни “таржима маданиятлараро ва тиллараро воситачи вазифасини бажарибгина қолмай, миллий адабиётлар ва тилларнинг пайдо бўлиши ҳамда камол топишида фаол роль ўйнаб, чет маданий бойликларининг оммалашувига хизмат қилади”.¹

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, доимо лакуналар ўрнини тўлиқ коплашга интилиш аслиятнинг маъно-мазмунини адекват етказиб берилишига олиб келса-да, бадий асар таржимасининг асосий шартларидан бири бўлмиш миллий ўзига хослик унсурларининг йўқотилишига сабабчи бўлади. Иккинчи томондан, доимий тарзда лакуналарни қисман ва ноль даражада тўлдиришга бўлган ҳаракат тил ва маданиятнинг бегона унсурлар билан тўлиб кетишига олиб келади. Шу сабабли таржимонга юкланган масъулият ўта оғирдир ва у керакли мувоозатни сақлаб қолиш тадбирини кўра олиши керак. Яна бир факт. Тил ва маданият ўз-ўзини бошқариш қобилятига эга мураккаб тузилмалар бўлиб, вақт ўтган сайин ўзлаштирилган айрим унсурлар ўзлари учун янги бўлган маданиятга киришиб кетиб, ўрнашиб қолади, айримлари эса йўқ. Ўз-ўзидан, бир маданиятдан иккинчи маданиятга кўчган ва ўрнашиб қолган унсур таржимада ҳам лакуналилик хусусиятини йўқотади, тил структураси ва маданиятига “кўника олмаган” унсур эса лакуналилигича қолиб, таржимада тўлиқ тўлдирилишини талаб қилади. Таржима жараёнида лакуналарни тўғри аниқлаб олиш ва тегишли таржима усули билан ўрнини коплаш юқоридаги санаб ўтилган шарт-шароитларга кўра амалга оширилиши лозим бўлган ишлардир.

Гулсара Қурбонова (ЎзМУ)

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРДАГИ ТОПОНИМ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада халқнинг миллий-маданий ўзига хослиги француз ва ўзбек тиллардаги топоним компонентли фразеологик бирликлар асарлардан олинган мисоллар асосида таҳлил этилди.

¹ Швейцер А.Д. Перевод как акт межкультурной коммуникации. Актуальные проблемы межкультурной коммуникации. М., МГЛУ, 1999, с. 184.

MUNDARIJA

SHOIR VA TARJIMON MATNAZAR ABDULHAKIM TAVALLUDINING 70 YILLIGIGA

О.Жуманиёзов. Матназар Абдулҳаким шеърятда бадиийлик, айрим стилистик бўёқ ва воситалар.....	3
---	---

МАТЕМАТИКА

Б.Абдуллаев, С.Имомкулов, Р.Шарипов. Об одном геометрическом свойстве $(n - s, q)$ – емкости.....	7
--	---

XIMIYA-TEKNOLOGIYA

А.Рахимов, М.Жуманова, А.Ражабова, Ф.Садуллаева. Чучукмия баргидан табиий бўёқ олиш биотехнологияси.....	11
---	----

FALSAFA

М.Ўразметов. Коммуникация тушунчасининг фалсафий талқини.....	14
Н.Тоғаев. Тинчликпарварлик ахлоқий тамойилининг тарихий асослари.....	18
С.Рўзимуродов. Ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишда оиланинг ўрни.....	21
О.Ортиқов, Г.Азаматова, Х.Хидиров. Шайбонийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.....	24

TILSHUNOSLIK

Ж.Якубов, Х.Рузметов. Синтаксические особенности синонимов во французском языке.....	27
Ш.Юлдашева. Интернет лингвистикаси: тавсиф ва ташхис.....	30
М.Алиева. Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминлариаро муносабат турлари.....	32
Д.Мирсагатова. Инглиз ва ўзбек тилларида фразеологик бирикмаларнинг лингвокултурологик хусусиятлари.....	37
М.Ботирова. Дунё тилларида феълларнинг семантик тоифаларини аниқлаш муаммолари.....	40

ADABIYOTSHUNOSLIK

Н.Турсунова. Ўзбек драматургияси ва миллий қадриятларнинг бадиий талқинига доир.....	44
Б.Ашуров. Шоир ижодида бадиий санъатларни қўллаш маҳорати.....	47
М.Матқулиева. “Шаҳриёр” эпик сюжетининг “Қоракўзойим” достонидаги талқини.....	51
Н.Досбаева. Таржимада лақуналар элиминацияси.....	55
Г.Қурбонова. Француз ва ўзбек тиллардаги топоним компонентли фразеологик бирикларнинг тарихий-маданий таҳлили.....	58

PEDAGOGIKA

П.Нишонов. Коммуникатив методдан фаолиятга йўналтирилган ёндашув сари.....	64
Д.Омонбоева. Ta'lim muassasalarida Uolt Vitman she'riyatini o'rganish bo'yicha metodik tavsiyalar.....	68
U.Nizamova. Esp is the new Aspect in Mentoring English.....	71
М.Пирназарова, М.Искандарова. Пўлат Мўмин шеърларининг тарбиявий аҳамияти.....	73
U.Ahmedova, S.Polvannazirova. The Approach in Teaching Speaking by Using Principled Eclectic Method.....	77
M.Ruzmetova. Blended learning: face-to-face and online environment.....	79

ILMIY AXBOROT

O.Matqurbonova. Omon Matjon she'rlarida okkazionalizm va shevaga xos so'zlarning ishlatilishi.....	82
A.Matkarimova. So'zlashuv nutqida shaxsiy munosabat kategoriyalari haqida ayrim mulohazalar.....	84
Д.Отамуродова. Машхур француз адиби Андре Моруа асарларида аёл маънавиятининг тасвири хусусида.....	87
G.Saparboyeva, V.Madiyorova. Stylistic Features of "Beowulf".....	90

FANIMIZ ZAHMATKASHLARI

Р.Йўлдошев, З.Тожиев. Илмга бағишланган умр.....	93
---	----

TANQID VA TAQRIZ

Ф.Рузикулов. Пути развития языка и культуры.....	95
---	----

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**
Oybek Qalandarov
Ushbu songa mas’ul **G‘oipnazar Satipov**

Terishga berildi: 19.03.2018
Bosishga ruxsat etildi: 31.03.2018.
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasini.
Adadi 150. Buyurtma №. 11
Hisob-nashriyot tabag‘i 8,5
Shartli bosma tabag‘i 7,9
UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.
Telefon/faks: (0362)-224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz
Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz

INDEKS 1072

